

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМБЕТНАЗАРОВ ЕСЕН БИСЕНБАЕВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ҲУДУДИДА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА
ИШЛОВ БЕРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Тошкент-2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Мамбетназаров Есен Бисенбаевич

Жанубий Орол бўйи худудида ғўза қатор ораларига ишлов беришни
такомиллаштириш..... 3

Мамбетназаров Есен Бисенбаевич

Совершенствование междурядной обработки хлопчатника в условиях
южного региона Приаралья..... 21

Mambetnazarov Esen Bisenbaevich

Improvement of inter-row processing of cotton in the conditions of the region
of the southern aral..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАМБЕТНАЗАРОВ ЕСЕН БИСЕНБАЕВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ҲУДУДИДА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИГА
ИШЛОВ БЕРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD / Qx.989 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида (КҚДИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Нурматов Шермат Нурматович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ибрагимов Одилжон Олимжонович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Қарабаев Икромжон Тўраевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.


Етақчи ташкилот: Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти


Фалсафа доктори (PhD диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 2023 йил « 16 » ЯНВАР, соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: pimm@agro.uz


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (151 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2023 йил « 27 » 12 кун тарқатилди.
(2023 йил « 27 » 12 даги 1 рақамли ресстр баённомаси).




Ф.Ж. Тешаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини, к.х.ф.д., профессор.


Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.


Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ғўза дунёнинг бешта қитъасида: Осиё, Америка, Африка, Австралия ва Европада ўстирилади. «Ғўза ўстиришнинг шимолий ареали шимолий кенгликнинг 38-47⁰ параллелидан (Қорақалпоғистон Республикаси), жанубий чегараси кенгликнинг 35⁰ параллелидан (Австралия) ўтади. Бугунги кунда дунё миқёсида пахта хомашёсини етиштириш ҳажмининг асосий қисми 5 та давлат, яъни Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда. International Cotton Advisory Committee (ICAC) маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда пахта хомашёси етиштириш ҳажми 23 млн. тоннани ташкил этган ва кўп йиллик меъёрга нисбатан 4 фоизга ошганлиги кузатилган¹». Пахта етиштирувчи давлатларда ва республикамизда ғўза ҳосилдорлигини оширишда илғор агротехнологиялар асосида етиштириш, айниқса тупроқни химояловчи, ресурстежамкор технологиядан фойдаланиш, ғўза қатор ораларига ишлов беришда ҳайдов қатлами унумдорлигини сақлаш ва сифатли ҳосил олиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши шароитида деградация жараёнларини олдини олиш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришга тупроққа минимал ишлов бериш орқали эришилмоқда. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ғўзанинг қатор ораларига ишлов беришда тупроқни химояловчи ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш, минтақа табиий тупроқ иқлим ҳамда экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда мазкур илмий тадқиқот ишлари долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида²» ги фармонида белгиланган вазифаларни бажаришда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилишни тақазо этади. Бугунги кунда Республикамизда суғориладиган экин майдонларининг қарийб 47-48 фоизи турли даражада шўрланган бўлса, Қорақалпоғистон худудида суғориладиган ерларнинг ҳаммаси шўрланган. Шу билан бирга Орол денгизи сувининг қуриши билан ноқулай экологик шароит пайдо бўлмоқда. Худудда кейинги йилларда сув танқислиги кузатилмоқда. Сув танқислиги сабабли ерларнинг мелиоратив, гидрогеологик ва бошқа шароитлари ўзгармоқда. Шу боис бу ерларнинг тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳасига инновацион усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни қўллаш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 155-сон “2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси

¹ <http://www.hlopok.info/>, <https://rns.online/economy/>. <http://Lex.uz/docs/4567334>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони

худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза қатор орасига ишлов беришда тупроқларнинг сув-физик, агрофизикавий хоссаларини яхшилаш ҳамда унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича В.П.Кондратюк, А.К.Қашкаров Қ.М.Мирзажанов, С.С.Сайдумаров, Ш.Н.Нурматов, А.Э.Авлиякулов, Б.М.Халиқов, Ф.М.Хасанова, Ш. Саломов, С.Т.Негматова, Д.Н.Шамшетов, К.Камилов Г.Абдалова, Н.Вlансо, М.Волтер ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

Лекин, Қорақалпоғистон Республикаси жанубий Орол бўйи худудининг тупроқ-иқлим ва экологик шароитидан келиб чиққан ҳолда ғўза қатор орасига ишлов бериш усуллари, тупроқни химояловчи технологиясини аниқлаш ва ғўзадан юқори ҳосил олиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий- тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ноқулай экологик шароитдаги деҳқончилик тизимида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллашнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзусидаги тадқиқот ишлари асосида бажарилган (2009-2011 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикасининг қадимдан суғориладиган, шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини тупроқнинг сув физик, агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини ўзгаришига таъсирини аниқлаш ҳамда юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришни таъминлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Орол бўйи худудининг суғориладиган шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқларининг сув физик, агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари ва туз режимига ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонининг таъсирини ўрганиш;

аллювиал ўтлоқи тупроқларда ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг мақбул тартиби, сони ва чуқурликларини аниқлаш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда илдиз тизимининг ривожланишига таъсирини ўрганиш;

ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини пахта ҳосилига ҳамда толасининг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий Орол бўйи ҳудудининг қадимдан суғориладиган шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқлари ва ғўзанинг ўрта толали Чимбой 5018 нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сони, тупроқнинг сув физик, агрофизикавий хоссалари, туз режими, ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда пахта толасининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни ўтказиш, биометрик ўлчовлар, фенологик кузатишлар, тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссалари ва сув-туз режими ҳамда иқтисодий самарадорлик таҳлиллари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”, “Методика экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, новой техники, изобретений и рационализаторских исследований” услублари асосида амалга оширилган. Олинган маълумотларнинг ишончлилиги ва аниқлиги Б.А. Доспеховнинг кўп омилли дисперсион услуги ҳамда SAS дастури орқали статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Жанубий Орол бўйи ҳудудининг қадимдан суғориладиган, шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқларида ғўза қатор ораларига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилганда 6 марта чуқур ишлов берилганга нисбатан тупроқнинг 10-0,25 мм катталиқдаги агрегатлар миқдори 4,04 % га, ғоваклиги 3,8 % га, сув ўтказувчанлиги 131,9 м³/га ошганлиги, ҳажм массаси 0,06 г/см³ га камайганлиги, агрокимёвий хоссалари ва туз режими яхшиланганлиги аниқланган;

аллювиал ўтлоқи тупроқларда ғўза қатор ораларига биринчи ишловни 8-10 см чуқурликда маъданли ўғитлар қўллаш билан бирга, кейингиларини 13-15 см чуқурликда суғориш эгатлари олиш, ишлов бериш ва ўғит қўллаш билан бирга эгат олиш тартибида 4 марта ўтказиш мақбул эканлиги аниқланган;

ғўза қатор ораларига 4 марта мақбул ишлов берилганда, 6 марта ишлов берилганга нисбатан ўсимликнинг бўйи 6,5 см баланд, кўсақлар сони 2,6 донага кўп, ғўза ўқ илдизининг узунлиги 19,1 см га ортиқ, асосий ён илдизлари сони 11,1 донага кўп бўлганлиги аниқланган;

ғўза қатор ораларига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилганда, 6 марта ишлов берилганга нисбатан 3,7 ц/га кўшимча пахта ҳосили олинган, тола чиқиши 1,5% га, толанинг солиштирма узилиш кучи 1,6 gt/tex га, чигитнинг мойдорлиги 0,2 % га ортган;

ғўза қатор ораларига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов бериш самарали эканлиги аниқланиб, шартли соф фойда 292511,6 сўм/га (2011 йил баҳоларида) га, рентабеллик даражасини 16,1 % га юқори бўлишига эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жанубий Орол бўйи ҳудудининг аллювиал ўтлоқи тупроқларида ғўза қатор ораларига биринчи ишловни 8-10 см, кейингиларини 13-15 см чуқурликда 4 марта ўтказилганда, хўжаликдагидек 6 марта (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилганга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 10-0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар миқдори 4,04 % га, сувга чидамли макро ва микроагрегатлар миқдори 1,5-1,1 % га юқори, ҳажм массаси 0,06 г/см³ га кам, ғоваклиги 3,8 % га кўп, сув ўтказувчанлиги 131,9 м³/га га кўп ва намлиги 1,3 % га ортиқ бўлганлиги кузатилган.

Ғўза қатор ораларига тўрт марта мақбул ишлов берилганда тупроқнинг юза қатламида ялпи тузларнинг тўпланиши (реставрацияси) камайган, озиқа моддаларнинг ўсимликлар томонидан фойдаланиш самарадорлиги ортган, ўсимликни ва унинг илдиз тизимини ривожланиши яхшиланган, гектаридан 3,7 ц/га кўшимча пахта ҳосили олинган, рентабеллик даражаси 33,7 % га тенг бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларида тасдиқланган услубий қўлланмалардан фойдаланилган ҳолда ғўза қатор орасига мақбул ишлов бериш сони ва чуқурликлари илмий асосланганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш ҳамда назарий ва амалий натижаларнинг бир - бирига мос келиши, хулосалар асосланганлиги, дала тажрибалари ва олинган илмий-амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга кенг тадбиқ қилинганлиги, тадқиқот натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишонччилигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жанубий Орол бўйи ҳудудининг қадимдан суғориладиган шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқлари шароитида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва сув-туз хоссаларининг

ўзгаришига ҳамда ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, илдиз тизимининг ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг сифатига ижобий таъсир этувчи ғўза қатор ораларига мақбул ишлов бериш чуқурликлари ва сонини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг қадимдан суғориладиган, шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқлари хоссалари ва мелиоратив ҳолатини яхшилашини ҳамда ғўзани дуркун ўсиши-ривожланишини, ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи ғўза қатор ораларига мақбул чуқурликда тўрт марта ишлов бериш фермер хўжаликларида жорий этилганлиги натижасида нисбатан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиниб, иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Орол бўйи худудининг суғориладиган шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқларида ғўза қатор ораларига ишлов беришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида пахта-тўқимачилик кластерлари, агрокооперациялар ва фермер хўжаликлари учун “Жанубий Орол бўйи худудида ғўза қатор ораларига ишлов беришни такомиллаштириш” бўйича тавсиянома тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 30.12. № 02/011-3891-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида фойдаланиш учун хизмат қилади;

ғўза қатор ораларига мақбул ишлов бериш чуқурликлари ва сони Чимбой туманидаги «Амираниязов Шухрат» фермер хўжалигида 32,3 га, «Амир Муса» фермер хўжалигида 32,1 гектар, «Хўжамурат Баймурат» фермер хўжалигида 18,5, «Бийби Айша» фермер хўжалигида 14,3 гектар жами 97,2 га майдонга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 30.12.№02/011-3891-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 2,9-3,3 центнер кўшимча пахта ҳосили олинган;

ғўза қатор ораларига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) мақбул ишлов бериш технологияси Чимбой туманидаги «Амир Муса» фермер хўжалигида 32,1 гектар майдонга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 30 декабрдаги №02/011-3891-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 3,3 центнер кўшимча пахта ҳосили олинган, шартли соф фойда 970695 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 33,4 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ҚҚДИТИ нинг махсус комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари Республика ва Халқаро илмий амалий конференцияларда ва Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида эшитилиб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, журналларда 4 та мақола, 4 та си

республика ва 1 таси хорижий илмий-амалий конференция тўпламларида нашр этилган, 1 та тавсиянома ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилган омиллар бўйича маълумотлар батафсил таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб ғўза қатор орасига ишлов бериш бўйича, тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ресурс тежамкор агротехнологияларнинг аҳамияти, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда маъданли ўғитлардан тўғри фойдаланиш борасида олимлар ва мутахассислар томонидан бажарилган илмий ишларнинг натижалари келтирилган. Шу билан бирга адабиётлар таҳлилларига асосланиб ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий этиш зарурияти бўйича хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикасининг табиий шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида иқлим шароитининг кейинги йиллари Орол денгизи сувининг қуриши натижасида жанубий Орол бўйида ҳаво ҳарорати кўтарилганлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга баҳорда ҳавонинг ҳарорати беқарор бўлиб, баъзан кескин исиши, ҳавонинг қуруқлиги ва қуёшнинг интенсив радиацияси тупроқ юзасидан намликни кучли буғланишга олиб келади. Шу сабабдан ғўза қатор орасига ишлов беришда тупроқ намлигига алоҳида эътибор бериш лозимлиги келтирилган. Орол денгизига яқин суғориладиган ерларнинг балл бонитети пасайиши билан бирга кам шўрланган ерлар майдони камайиб, ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдонлари оршганлиги кўрсатилган. Сўнги йилларда минтақамизда сув кам бўлган йиллар сони тобора кўпайиб бораётганлиги келтирилган. Шунингдек, тупроқ намлигини сақлаш, дарё сувидан унумли фойдаланиш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан эканлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказиш муддати ва агротехник тадбирлар қайд қилинган. Таҷриба ўтказилган майдон тупроқлари қадимдан суғорилиб келинаётган, шўр аллювиал-ўтлоқи тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра ўрта қумоқли, ер ости сувлари сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашган. Таҷриба 2009-2011 йиллари ҚҚДИТИнинг таҷриба хўжалигида ўтказилиб, «Методы агрохимических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), «Дала таҷрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганлиги таҷрибалардан олинган маълумотларга Б.Доспехов (1985) нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида статистик ишлов берилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Қорақалпоғистонинг иқлим шароитига бир томондан Қизилқум саҳросидан келадиган жазирама иссиқ ҳаво, иккинчидан Орол денгизи қуриши қаттиқ таъсир қилади. Қиш қаттиқ совуқ келган айрим йилларда ҳавонинг энг паст ҳарорати $-31-32^{\circ}\text{C}$ гача совуқ, энг иссиқ ёз ойларида ҳаво ҳарорати $+45-+50^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Энг иссиқ ойлари: июн ва июл, энг совуқ ойлари эса декабр, январ ойлари ҳисобланиши баён қилинган.

Ҳаво ҳароратининг катта миқдордаги самарали қисми кечроқ содир бўлади, март ойлари охири ва апрел ойи бошида эса ҳаво ҳарорати $10-15^{\circ}\text{C}$ дан ошмайди. Кейинчалик ҳавонинг ҳарорати кескин кўтарилиб, натижада амал даври бўйича унинг йиғиндиси $2660-2780^{\circ}\text{C}$ бўлиб, иссиқ кунлар даври 201-208 кунни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Таҷриба даласида гумус миқдори И.Б.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Малцеванинг такомиллашган услубларида, нитратли азот миқдори Грандваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр усулида ва умумий ғоваклиги ифодада аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган. Тупроқнинг туз режими В.В.Егоров, Н.Г.Минашина усулида ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг “Ўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини тупроқнинг сув-физик, агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда ўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини тупроқнинг сув-физик, агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Таҷриба даласи тупроқларининг агрегатлар таркиби аниқланганда, амал даври бошида тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 10 мм дан катта заррачалар миқдори 16,57 % ни, 10-0,25 мм ўлчамдаги агрономик қимматли заррачалар миқдори 56,65 % ни ва 0,25 мм дан кичик бўлган тупроқ заррачалари миқдори 26,78 % ни ташкил этган.

Ўза қатор орасига 6 марта хўжаликдагидек чуқур (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат 1-вариантда ўзанинг амал даври охирида тупроқнинг 0-10 см қатламида агрономик

жиҳатдан қимматли агрегатлар (10-0,25 мм) миқдори 56,11 % ни, 10-20 см қатламида 51,70 % ни, 20-30 см қатламида 50,65 % ни ва 0-30 см қатламда ўртача 52,82 % ни ташкил қилган ёки амал даври бошига нисбатан 3,83 % га камайган. Ғўза қатор ораларига биров саёзроқ 6 марта ишлов берилган 2-вариантда агрономик қимматли заррачалар (10-0,25 мм) миқдори назорат 1-вариантга нисбатан 1,02 % га кўпроқ сақланганлиги кузатилган.

Ғўза қатор ораларига турли чуқурликда ва сонларда ишлов бериш натижасида тупроқ қатламларида агрегатлар миқдори ўзгарган. Энг ижобий натижа 56,86 % ғўза қатор орасига 4 марта ишлов берилган 6-вариантда қайд қилиниб, агрономик қимматли 10-0,25 мм ўлчамдаги агрегатлар миқдори назорат 1-вариантга нисбатан 4,04 % кўпроқ сақланиб қолинган. Ғўза қатор ораларига 5 ва 3 марта ишлов берилган вариантларда ушбу катталиқдаги агрегатлар миқдори оралиқ ҳолатни эгаллаган.

Аллювиал ўтлоқи тупроқларнинг сувга чидамли макро ва микроагрегатлари таркиби 2011 йилда ўрганилганда, уларнинг миқдори амал даври бошида тупроқнинг 0-30 см қатламида тегишлича 11,7 ва 13,7 % га тенглиги аниқланди. Амал даври охирида ғўза қатор ораларига 6 марта чуқур ишлов берилган 1-вариантда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 9,8 ва 12,1 % ни ташкил этган ёки агротехник тадбирлар таъсирида 1,9 ва 1,6 % га камайган. Ғўза қатор ораларига биринчи ишловни 8-10 см, кейингиларини 15-17 см чуқурликда 6 марта ўтказилган 2-вариантда сувга чидамли макроагрегатлар 10,2 % ни, микроагрегатлар эса 12,6 % ни ташкил қилган ва назорат 1-вариантга нисбатан тегишлича 0,4 ва 0,5 % га кўпроқ сақланган.

Ғўза қатор ораларига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов амалга оширилган 6-вариантда сувга чидамли макро ва микроагрегатлар миқдори мутаносиб равишда 11,3 ва 13,2 % ни ташкил қилганлиги ҳамда назорат 1-вариантга нисбатан 1,5 ва 1,1 % га юқори бўлганлиги аниқланган. Тажрибанинг бошқа йилларида ҳам шунга яқин маълумотлар олинган.

Суғориладиган шўрланган аллювиал ўтлоқи тупроқларда ғўза амал даврининг бошида тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда $1,38 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этиб, пастки қатламлар томон зичлашиб бориши аниқланган (1-жадвал).

Ғўза қатор ораларига ишлов берилгандан кейин амал даври охирида тупроқнинг ҳажм массаси аниқланганда, ишлов бериш чуқурликлари ва сонига боғлиқ ҳолда тупроқ ҳажм вазнида фарқланиш борлиги маълум бўлди. Тупроқ ҳажм массаси вариантлар ўртасида тупроқнинг 0-30 см қатламида $1,33 \text{ г/см}^3$ дан $1,39 \text{ г/см}^3$ гача оралиқда тебранган. Тупроқнинг ҳажм массаси бўйича энг яхши натижа 6-вариантда, яъни ғўза қатор ораларига биринчи ишловни маъданли ўғитлар қўллаш билан бирга 8-10 см чуқурликда ишлов бериш, кейингиларини 13-15 см чуқурликда эгат олиш, ишлов бериш ва ўғит бериш билан бир вақтда ишлов бериш тартибида 4 марта ишлов берилганда қайд қилинган ва бошқа вариантларга нисбатан тупроқнинг зичлашиши $0,02-0,06 \text{ г/см}^3$ га камайганлиги тажриба ўтказилган барча йилларда кузатилган.

Тупроқнинг ғовақлиги кўп омилларга, айниқса тупроқнинг механик ва агрегатлар таркибига ҳамда органик моддалар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлди. Шунингдек, тупроқ ғовақлигига ғўза қатор орасига ишлов бериш чуқурликлари ва сони ҳам таъсир кўрсатади.

1-жадвал

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см³ (2010 й)

Вар. рақ.	Амал даври бошида				Амал даври охирида			
	Тупроқ қатламлари, см							
	0-10	10-20	20-30	0-30	0-10	10-20	20-30	0-30
1	1,36	1,38	1,40	1,38	1,38	1,40	1,41	1,39
2	1,34	1,36	1,41	1,37	1,36	1,39	1,40	1,38
3	1,34	1,38	1,39	1,37	1,37	1,40	1,40	1,39
4	1,35	1,38	1,40	1,37	1,36	1,38	1,40	1,38
5	1,36	1,38	1,36	1,37	1,34	1,36	1,36	1,35
6	1,36	1,38	1,36	1,36	1,34	1,32	1,34	1,33
7	1,38	1,36	1,36	1,36	1,34	1,36	1,36	1,35
8	1,36	1,38	1,39	1,37	1,30	1,36	1,36	1,34

Ғўзанинг амал даври бошида тупроқ ғовақлиги 0-10 см тупроқ қатламида 50,9 % ни, 10-20 см қатламда 48,6 % ни, 20-30 см қатламда 46,3 % ни ташкил қилган бўлса, амал даври охирида олинган маълумотларга кўра тупроқ ғовақлиги вариантлар бўйича 47,4 % дан 51,2 % гача ораликда тебранган (2-жадвал).

Ғўза қатор ораларига хўжаликдагидек 6 марта (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат вариантда тупроқ ғовақлиги 0-30 см қатламда 47,4-48,2 % га тенг бўлган бўлса, энг яхши кўрсаткич 50,3-51,2 % ғўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилган б-вариантда қайд қилинган ва назоратга нисбатан 2,1-3,8 % га юқори бўлган.

2-жадвал

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини тупроқнинг ғовақлигига таъсири, %

Вар. рақ.	Амал даври охирида											
	2009 йил				2010 йил				2011 йил			
	Тупроқ қатлами, см											
	0-10	10-20	20-30	0-30	0-10	10-20	20-30	0-30	0-10	10-20	20-30	0-30
1	49,7	46,5	46,0	47,4	49,1	48,6	48,2	48,6	48,3	48,0	48,1	48,1
2	48,3	47,1	47,0	47,4	48,7	48,0	48,0	48,2	49,0	48,6	48,5	48,7
3	49,3	47,3	46,8	47,9	49,7	49,1	49,0	49,2	48,5	48,0	48,0	48,1
4	48,1	48,0	47,6	47,9	49,6	48,5	48,3	50,1	49,0	49,0	48,6	48,8
5	50,2	50,3	50,0	50,1	51,0	50,3	49,6	50,3	49,3	50,0	49,0	49,4
6	52,0	52,0	49,6	51,2	50,7	50,0	49,5	50,4	51,1	49,6	50,3	50,3
7	50,4	49,7	49,0	49,7	49,6	49,3	49,0	49,3	49,9	49,6	49,0	49,5
8	50,0	50,1	49,0	49,7	49,4	49,0	49,3	49,7	50,0	48,6	49,3	49,6

Маълумки, қишлоқ хўжалик техникаларининг далага кўп марта кириши натижасида тупроқ зичлашиб, унинг сув ўтказувчанлиги пасаяди, сувни капилляр найчалар орқали юқорига кўтарилиши сусаяди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлигини пасайиши ғўзанинг илдизига етарли даражада намликнинг етишмаслигига ва ўғитдан фойдаланиш самарадорлигини пасайишига олиб келади. Изланишларимизда ғўза қатор орасига хўжаликдагидек 6 марта чуқур ишлов берилган назорат 1-вариантда амал даври бошида сув ўтказувчанлик

6 соат давомида ўртача уч йилда 646,5 м³/га ни, амал даври охирида эса 607,2 м³/га ни ташкил қилган бўлса, культивацияни бироз саёзроқ, яъни биринчисини 8-10 см, кейингиларини 15-17 см чуқурликда ўтказилган 2-вариантда ушбу кўрсаткичлар тегишлича 672,3 ва 633,1 м³/га га тенг бўлган ва амал даври охирида назоратга нисбатан сув ўтказувчанлик 25,9 м³/га га юқори бўлганлиги аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сонини тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири (6 соатда м³/га)

Вар. рақ.	2009 йил		2010 йил		2011 йил		Ўртача уч йиллик	
	Амал даври бошида	Амал даври охирида	Амал даври бошида	Амал даври охирида	Амал даври бошида	Амал даври охирида	Амал даври бошида	Амал даври охирида
1	688,3	640,5	640,5	600,4	610,7	580,6	646,5	607,2
2	710,4	680,7	683,8	617,1	622,8	601,4	672,3	633,1
3	680,7	640,5	675,3	600,5	612,3	600,1	656,1	613,7
4	646,4	601,4	640,2	610,4	600,1	586,3	628,9	599,4
5	670,8	720,5	610,5	681,5	615,8	670,3	635,0	690,8
6	640,7	750,8	635,4	725,9	640,1	740,7	638,7	739,1
7	670,8	700,4	607,2	683,2	680,0	691,2	650,0	691,6
8	645,7	680,3	618,7	640,3	685,6	693,5	650,0	671,4

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бўйича энг яхши натижалар ўза қатор орасига биринчи ишловни 8-10 см, кейингиларини 13-15 см чуқурликда жами 4 марта ишлов берилган 6-вариантда кузатилган ва 6 соат давомида гектарига 739,1 м³ сув сингиб ўтган. Ушбу кўрсаткич амал даври бошига нисбатан 100,4 м³/га ва ўза қатор орасига 6 марта (биринчисини 10-15 см, кейингиларини 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат вариантыга солиштирилганда эса 131,9 м³/га юқори бўлган.

Ўза қатор орасига 3 ва 5 марта ишлов берилган 4-ва 8-вариантларда сув ўтказувчанлик бўйича олинган маълумотлар оралиқ вазиятни эгаллаган.

Ўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилганда, хўжаликдагидек 6 марта чуқур (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат вариантыга нисбатан тупроқнинг ҳайдов (0-30см) қатламида намлик 0,8-1,3 % га ва ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 1,2-1,5 % га юқори бўлган.

Ўза амал даврининг охирида ўза қатор ораларига хўжаликдагидек 6 марта чуқур ишлов ўтказилган назорат вариантыда тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида нитратли азот миқдори 8,71 мг/кг ни, ўзлаштириладиган фосфор 10,6 мг/кг ни ва алмашинувчи калий 140,97 мг/кг ни, ушбу кўрсаткичлар ўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилган 6-вариантда тегишлича 12,3; 8,0 ва 130,47 мг/кг ни ташкил қилган ёки мақбул ишлов берилганда ўсимлик томонидан озика моддалари нисбатан яхшироқ ўзлаштирилган. Тажриба даласида шўр ювиш самарадорлигини ошириш учун кузги шудгор остига органик ўғитлар қўллаган ҳолда 3000-3500 м³/га меъёрда ерларнинг шўри ювилганда, чигит экиладиган давргача тупроқнинг 1,0-1,5 м қатламини кам шўрланган даражада сақлашга олиб келган, натижада уруғлик чигитни тўлиқ ундириб олишга имконият яратилган. Тупроқнинг шўри ювилгандан кейин

унинг бир метрлик қатламида зарарсиз тузлар ($\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4) миқдори 0,190 % га, зарарли тузлар (MgSO_4 , Na_2SO_4 , NaCl) миқдори 0,045 % га ва ялпи тузлар миқдори 0,235 % га тенглиги аниқланган. Ғўза қатор орасига ишлов бериш натижасида тупроқ таркибидаги тузларнинг миқдорини ўзгариши маълум бўлди. Ғўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилган 6-вариантда тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида туз миқдорининг пасайиши кузатилган.

Амал даври бошида ялпи тузлар миқдори тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,314 % ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич ғўза қатор орасига иккинчи ишлов бериш олдидан 0,342 % ни, тўртинчи ишлов бериш олдидан 0,406 % ни ва амал даври охирида 0,497 % ни ташкил қилган. Демак, ғўзанинг амал даври бошидан амал даврининг охирига қараб, тупроқларда зарарсиз ва зарарли тузларнинг қайта тикланиши (реставрацияси) кузатилган.

Диссертациянинг “Ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги ва сонини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг сифатига таъсири” деб номланган бешинчи бобида келтирилган маълумотларга кўра ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурликлари ва сони ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига турлича таъсир кўрсатган. Июл ойининг 1 санасида ўтказилган биометрик ўлчовлар ва фенологик кузатувлар натижалари таҳлил қилинганда, ғўза қатор ораларига 6 марта чуқур (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см) ишлов берилган назорат 1-вариантда ўсимликнинг бўйи 48,3 см ни, ҳосил шохлари сони 7,6 донани, ушбу кўрсаткичлар ғўза қатор ораларига биринчи ишловни нисбатан саёз 8-10 см чуқурликда, кейингиларини 15-17 см чуқурликда жами 6 марта ўтказилган 2-вариантда мос равишда 48,8 см ни ва 7,9 донани ташкил қилган. Ғўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилган 6-вариантда ғўзанинг бўйи 54,0 см ни, ҳосил шохлари сони 10,0 донани ташкил этиб, вариантлар орасида устунлик қилган.


Август ойининг 1 санасида ғўза қатор орасига 6 марта (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат вариантыда ғўзанинг бўйи 83,4 см га, ҳосил шохлари 11,5 донага ва кўсақлар сони 7,8 донага тенг бўлган бўлса, энг юқори кўрсаткичлар мос равишда 96,4 см, 13,9 дона ва 10,4 дона ғўза қатор орасига биринчи ишловни 8-10 см, кейингиларини 13-15 см чуқурликда жами 4 марта ишлов ўтказилган 6-вариантда аниқланган ва назоратга нисбатан ғўзанинг бўйи 13 см га баланд, ҳосил шохлари 2,4 донага, кўсақлар сони 2,6 донага кўпроқ эканлиги кузатилган. Сентябрь ойининг 1 санасига келиб, ғўза қатор ораларига 6 марта чуқур ишлов берилган назорат 1-вариантда ҳар туп ғўзада 9,5 дона кўсақ шаклланигани ҳолда, ғўза қатор ораларига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилган 6-вариантда 11,8 дона ёки назорат вариантыга нисбатан 2,3 дона, ўзининг назоратига нисбатан эса 0,8 дона кўп кўсақ пайдо бўлган. Ғўза қатор ораларига турли чуқурликда 5 ва 3 марта культивация ўтказилган вариантлар кўсақлар сони бўйича оралик

ҳолатни эгаллаган. Ғўза қатор ораларига ҳар хил чуқурликда ва такрорийликда ишлов бериш натижасида ғўзанинг илдиз тизимини ривожланиши турлича бўлиши кузатилган. Изланишлар ўтказилган йиллар давомида олинган маълумотларнинг кўрсатишича, ғўза қатор ораларига хўжаликдагидек 6 марта (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат 1-вариантда ғўза ўқ илдизининг узунлиги 60,1-62,7 см, ён илдизлари сони 18,5-20,5 дона оралиғида тебранган бўлса, ғўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов берилган 6-вариантда ушбу кўрсаткичлар 79,8-81,3 см ва 29,7-37,4 дона атрофида тебранган ҳамда назорат вариантга нисбатан ўқ илдизлар 19,7-18,6 см га узунроқ ва илдизлар сони 11,3-10,9 донага кўпроқ эканлиги аниқланган.

Ғўза илдизининг вазни ҳисобланганда, ғўза қатор орасига хўжаликдагидек 6 марта чуқур ишлов берилган назорат 1-вариантда уч йилда ўртача 56,4 г ни ташкил қилган бўлса, энг ижобий натижа 83,3 г ғўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов ўтказилган 6-вариантда кузатилган ёки назорат 1-вариантга нисбатан 26,9 граммга, 5 ва 3 марта культивация қилинган 4-ва 8-вариантларга нисбатан тегишлича 10,8 ва 2,5 граммга юқори бўлган.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш сони ва чуқурликларини бир кўсақдаги пахта вазнига таъсири ўрганилганда, ғўза қатор ораларига хўжаликдагидек 6 марта (биринчиси 10-15 см, кейингилари 17-20 см чуқурликда) ишлов берилган назорат 1-вариантда бир кўсақдаги пахта вазни 5,3 г га тенг бўлган бўлса, ғўза қатор орасига 6 марта бироз саёзроқ (биринчиси 8-10 см, кейингилари 15-17 см чуқурликда) ишлов берилган 2-вариантда бир кўсақдаги пахта вазни 5,4 г ни ташкил қилган. Бир кўсақдаги пахта вазни бўйича энг юқори кўрсаткич 6,0 г ғўза қатор орасига 4 марта (биринчиси 8-10 см, кейингилари 13-15 см чуқурликда) ишлов ўтказилган 6-вариантда қайд қилинган ва назоратга нисбатан 0,7 граммга ортиқ бўлган. Ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг биринчисини 8-10 см, кейингиларини 13-15 см чуқурликда 5 ва 3 марта ўтказилганда бир кўсақдаги пахта вазни 5,8 ва 5,9 г ни ташкил қилган ёки назорат вариантга нисбатан 0,5 ва 0,6 г га, ўзининг назоратидан эса 0,2 ва 0,1 граммга ортиқ бўлган.

